

Азон ва иқома бўйича машғулотлар давом этноқда



18:41 / 27 январь 1002

Юртимизда азон ва иқома бўйича ижоза бериш анъанаси 2026 йил 21 январдан бошлаб яна давом этмоқда.

Бугун 27 январ кунин «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлимида «Қуръон ва тажвид» ўқув курсларининг ўқитувчилари ҳамда олий ва ўрта махсус диний таълим муассасалари устозлари учун азон ва иқома бўйича навбатдаги амалий машғулот бўлиб ўтди.

Машғулотлар бўлим бошлиғи шайх Алижон қори Файзуллоҳ Махдум томонидан олиб борилмоқда.

Машғулотда Тошкент ислом институти, «Кўкалдош» ўрта махсус таълим муассасаси қошидаги «Қуръони Карим ва тажвид» ўқув курслари филиаллари ўқитувчилари, мазкур таълим даргоҳларининг устозлари иштирок этишди.

Дарс давомида ҳар бир тингловчининг азон ва иқома борасидаги маҳоратлари яқка тартибда тингланиб, керакли тавсиялар берилди. Машғулотлар якунида тингловчиларга азон ва иқома бўйича ижоза гувоҳномаси топширилиши режалаштирилган.

Эслатиб ўтамиз, азон ва иқома бўйича ижоза бериш анъанаси Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар

ҳазратларининг ташаббуси билан йўлга қўйилган.